Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
12 февраль
ШАНБА

№ 13
(12.337)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

АСЛ ЙИГИТ АСКАР БЎЛАДИ

Мамлакат Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига асосан навбатдаги чақирув жараёни давом этмоқда.

Вилоят чақирув пунктида фуқаролик бурчини бажариш учун хизматга шайланган йигитларни тантанали кузатиш маросими ўтказилди.

Унда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Армия сафида хизмат қилиш бугун Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда том маънодаги шоншараф ишига айланди.

– Ватаним олдидаги йигитлик бурчимни бажариш насиб этганидан хурсандман, – дейди Ўртачирчиқ туманидан муддатли ҳарбий хизматга отланган Жамшид Ёқубов. – Ҳарбий хизматни ўташ давомида тактик кўникмаларни пухта ва чуқур эгаллаб, келгусида шу соҳада фаолиятимни давом эттириш ниятидаман. Армия бу ҳақиқий ҳаёт мактаби.

Аскар ўғлининг ҳарбий сафда турганини кўрган ота-оналарнинг ҳам қувончи чексиз. Чунки, уларнинг фарзанди бугун Ватани, халқи олдидаги йигитлик бурчини адо этиш учун шай турибди.

Санъаткорлар иштирокидаги тадбир давомида Ватан ҳимоясига отланаётган ёшларга ташкилотчилар томонидан совғалар топширилди.

Шокир ХАЛИЛОВ.

СУРАТДА: тантанали кузатиш маросимидан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2011 йил Ўзбекистон Республикасида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидаги йўналишларга асосланган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотураржой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тўлдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва миллий стандартларга олиб чиқишга кўмаклашиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консультатив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 14 декабрдаги Ф-3539-сон фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси зиммасига "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари бошчилигида тегишли ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирлар республика ҳудудларида белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Бунда қуйидагиларга:

тадбиркорларнинг ўз ишини очиши билан боғлиқ масалаларда содир бўлаётган аниқ ўзгаришларга;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари – энергия ва газ таъминоти, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга уланиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилишига;

тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотураржой хоналар ажратиб бериш билан боғлиқ ҳолат қанчалик яхшиланганига;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ва бошқа ортиқча чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш борасидаги ишларнинг аҳволи қай тарзда ўзгараётганига;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қанчалик ўзгарганига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш. М. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"нинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури бўлимлари ва бандларини тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида ишлар мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқсин;

ҳар чорак якунлари бўйича "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб борсин.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми ўсишига муҳим аҳамият берилгани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда:

товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти бўйича статистик ҳисобот шаклларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар экспорти кўрсаткичлари бўйича алоҳида бўлим киритсин;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар экспорти ҳажмлари ҳамда таркиби тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса тадбиркорлик субъектлари ўртасида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилишини;

республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда, Дастурнинг амалга оширилиши мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2011 йил 7 февраль.

БУГУННИНГ ГАПИ

Етиштирилажак ғалланинг салмоғи ҳам, сифати ҳам айнан шу кунларда фермерлар қандай чора-тадбирларни қай йўсинда қўллашларига боғлиқ. Негаки, қиш қуруқ келди. Ёғингарчилик деярли бўлмади. Ернинг уст қатламидан нам қочди. Бундай шароитда нафақат ғалла, балки бошқа экинларнинг ҳам "мазаси қочади".

Хайриятки, кейинги кунларда қисқа муддатли бўлса-да, ёмғир, қор ёғиб турибди. Хўш, бундай пайтда нима қилиш керак?

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ФЕРМЕР ҚЎЛИДА

Асли деҳқондан чиққан фермерларнинг бу саволга жавоблари доим тайёр. Ҳозир биринчи галда ҳамма саъй-ҳаракатни ғалла парваришига қаратиш кераклигини улар яхши билишади. Қор ва ёмғирдан фойдаланиб, ғаллага керагича ўғит бериш зарур. Айниқса, чириган гўнг ғалла учун ҳозир айни муддао. У ёғиндан кейинги намнинг бир қисмини ўзига шимиб, обдон кўпчийди ва шу зайлда биринчидан, ерда намни узоқроқ сақлаб, навбатдаги ёғингача экинни ташналикдан асрайди. Шу орқали иккинчидан, экиннинг тез ривожланиб, қурғоқчил пайтда "йўқотганлари" ўрнини тўлдиришига, яхши илдиз отиб, қалин туплаб, кўп бошоқ чиқаришига ёрдам беради. Ғалла хирмонларининг салмоғи айнан шу бошоқларнинг чўғига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда).

14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ДЎСТЛАР СУҲБАТИГА МУШТОҚ ШОИР

Ҳинд халқининг машҳур сиёсий арбоби Жаворҳарлал Неру "Умумжаҳон тарихига бир назар" асарида бобурийлар сулоласининг буюк вакиллари хусусида ҳаққоний ва самимий сўзларни ёзади. Эътиборингизга Нерунинг Бобур ҳақидаги мақоласини айрим қисқартиришлар билан ҳавола этдик.

Бобур жаҳонгир Амир Темур авлодидан эди. Унга бобосининг ҳарбий санъати, ёвқурлиги ва донолиги мерос бўлиб ўтди. Дунёда не-не ҳукмдорлар даврон сурган. Бобур улардан фарқли ўлароқ ўта маданиятли ва ёқимтой инсон эди. Унинг табиатида бирон мазҳабга ё диний оқимга мойиллик йўқ эди. Бобур динни пок асровчи ҳамда мутаассибликдан йироқ шоҳ эди.

(Давоми 4-бетда).

АНЖУМАН

СИЗДАН ҲАРАКАТ, БИЗДАН МАДАД...

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун қутлуғ келган 2011 йил лебочаси элимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли саъй-ҳаракат ва эзгу амаллар билан бошланди. Энди, тадбиркорга ёрдам қўлини чўзиш ҳар бир мутасадди ташкилот, раҳбар ва ходимнинг бурчи, виждон ишига айланмоғи зарур. Айни дамда бирор ишга қўл урмоқчи бўлиб, тадбиркорликни ихтиёр этганлар ҳам етарли билимли, ҳуқуқий саводхон, етти ўлчаб бир кеса оладиган ишбилармон, жуда бўлмаганда шунга интилиш лаёқатига эга бўлиши керак. Қисқаси, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ҳаракат қилган киши ҳеч қачон ютқазмайди.

Вилоят ҳокимлигида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ўтказилган "Тадбиркор аёллар форуми" айнан шу мақсадга йўналтирилди. Унда вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмасининг 2010 йилда амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали хотин-қизлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш ҳамда тижорат банкларининг имтиёзли кредитларидан тўғри фойдаланиш каби масалалар кўрилди.

– Вилоятимизда тадбиркорлик билан шуғулланишни истовчи аёллар кўп, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Улар тақдим этган 200 дан зиёд лойиҳалар кўриб чиқилди ва уларга амалий, назарий ёрдам кўрсатилиши шубҳасиз. Давлатимиз томонидан ажратилаётган кредитлар салмоғи бунинг исботи. Фақат, тадбиркор аёлларимиз бу малбағлардан оқилона фойдаланишлари зарур. Бундан кейин ҳам жойларда давом этадиган тадбирларимиз, семинар-тренинглар тадбиркор бўламан деган хотин-қизларимизга ишни тўғри ташкил этишларида ёрдам бўлади.

Анжуманга йиғилган тадбиркор, ҳунарманд аёллар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

– Мен чеварчилик билан шуғулланаман, – дейди янгийўллик тадбиркор Қимматхон Маматқулова. – 50 миллион сўм кредит олиб, фаолиятимни янада кенгайтириш ниятим бор эди. Бугунги тадбирда эшитганларим менга қанот бағишлади. Бекорга келмаган эканман.

– Ҳозир боғдорчилик, полиз маҳсулотлари етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда, – дейди ўртачирчиқлик тадбиркор Ҳидоят Қодирова. – Мен ҳам шу иш билан шуғулланиб келаман. Ўтган йили кредит олишнинг иложи бўлмаган эди. Бу йил 19 фоизли эмас, 12 фоизли кредит олишим мумкинлигини айтишди. Энди сабзавот маҳсулотларини янада кўпроқ етиштириш имконияти туғилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
Собир ЗУФАРОВ (сурат)
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

2011 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси – 205.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

Республика Президентининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида "Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда" деб алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон Республикасининг "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ҳам шундай қонунлар сирасига киради.

Иқтисодиётнинг тараққиёти кўчмас мулк бозори ривожи билан узвий боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб кўчмас мулк билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш, ривожланган кўчмас мулк бозорини шакллантиришга чуқур эътибор қаратилди. Жумладан, давлат тураржой фондининг хусусийлаштирилиши, нотураржой ва ишлаб чиқариш объектларининг тижорат муомаласига киритилиши натижасида иккиламчи кўчмас мулк бозорининг шаклланишига ҳамда кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти ҳам шаклланишига олиб келди. Натижада бугунги кунда республика бўйича кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш билан расман давлат рўйхатидан ўтган ҳолда шуғулланаётган ташкилотлар 2500 дан ошди.

Шу билан бирга, республикамизда кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларга эҳтиёжнинг юқорилиги боис, ушбу хизматлар давлат рўйхатидан ўтмаган, аҳоли орасида "маклерлар" деб аталувчи воситачилар томонидан ҳам кўрсатиб келинмоқда. Улар эса шу пайтга қадар Фуқаролик кодексининг умумий қоидалари асосида шартнома тузиш орқали фаолият кўрсатмоқда. Аммо, улар фаолияти таҳлили, кўчмас мулк билан боғлиқ низоли ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти материаллари, кўчмас мулк бозори қатнашчилари ва давлат манфаатлари мувозанатини таъминлаш, соҳада хизмат кўрсатиш самарадорлигини босқичма босқич ривожлантириш каби омиллар мамлакатимизда риэлторлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш заруриятини келтириб чиқарди.

Зеро, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келаётган янги фаолият турларини, шу жумладан, баҳолаш фаолияти, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият, аудиторлик фаолияти, суд маслаҳатчилари фаолияти кабиларни ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси шуни кўрсатадики, янги фаолият турларини алоҳида қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиш уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш ва фаолиятни амалга ошириш борасида тез фурсатларда сифат ўзгаришларига эришиш имконини беради. Бу вазифани самарали бажариш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг "Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ишлаб чиқилган "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222-I-сонли Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 23 ноябрда қабул қилиниб, 2010 йил 3 декабрда Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2010 йил 23 декабрь куни матбуотда эълон қилиниб, кучга кирди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инглиз тилидан олинган ("realtor" кўчмас мулкни сотиш бўйича воситачи") мазкур ибора билан боғлиқ профессионал фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар, хусусан Германия, Франция, Бельгия, Голландия, Люксембург каби давлатларда тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, фаолиятнинг мазкур тури давлат томонидан лицензиялаш орқали тартибга солинади. Мамлакатимизда ҳам жорий этилган мазкур тартиб кўчмас мулк бозори иштирокчилари ва давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи тизимни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда эса риэлторлик фаолиятини тадбиркорлик фаолиятининг тури сифатида лицензиялаш шу пайтга қадар белгиланмаганлиги, ўз навбатида кўрсатилаётган риэлторлик хизматларининг сифати талаб даражасида бўлмаслигига, риэлторлик хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг ўз фаолияти натижалари учун жавобгарликни ўз зиммасига олмасликларига, ушбу фаолиятдан олинаётган даромадлар декларация қилинмаслигига олиб келар эди. Шу билан бирга, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сифатсиз риэлторлик хизматлари кўрсатаётган риэлторларнинг фаолиятини чеклаш учун етарли ваколатга эга эмас эди. Айнан мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, риэлторлик фаолияти лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига киритилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу қонунларнинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши кўчмас мулк бозорини тартибга солувчи қонунчилик тизимини сезиларли тарзда кенгайтиришга, риэлторлик хизматларидан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, риэлторлик ташкилотлари (риэлторлар)нинг ўз зиммаларидаги мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тамойилларини яратишга, риэлторлик хизматлари сифатини яхшилашга, кўчмас мулк бозорида воситачиларнинг ноқонуний фаолият юритишининг олдини олишга, кўчмас мулк объектларини бошқариш самарадорлигини оширишга, риэлторлик хизматларидан олинадиган солиқ тушумларини легаллаштиришга ҳамда қонуний тартибга солишга, бирламчи ва иккиламчи кўчмас мулк бозорларининг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳамда мазкур бозор иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини мақбуллаштиришга олиб келади. Бу эса кўчмас мулк бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга риэлторлик хизматлари кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва соҳада замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Нуриддин НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори.

БУГУННИНГ ГАПИ

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ФЕРМЕР ҚЎЛИДА

Шу кунларда қишлоқ туманларини айланган киши аксарият фермерларнинг ғаллага кимёвий ўғит билан бирга чириган қуруқ гўнг сепишаётганини кўради. Хусусан, Ўртачирчиқ туманида шундай қилинаяпти.

Туманда 278 фермер хўжалиги ғалла етиштиради. Уларнинг ихтиёрида 12 минг 422 гектар суғориладиган ва 800 гектар лалми бор. Бундан ташқари, 200 гектардан кўпроқ янги боғлар қатор ораларига ғалла экилади. Ҳозир ғалланинг ривожига қараб, бир майдонга кўпроқ, бирига камроқ, умуман эса, гектарига ўртача 150 килограммдан кимёвий ўғит бериляпти. Бугунгача 10 минг гектардан зиёд ғаллага ўғит сепиб бўлинди.

Қиш даврида дала бошларига 18 минг 522 тонна маҳаллий ўғит чиқарилиб, махсус ҳандақларга тўкилган.

– Мақсадимиз – ёғингарчилик бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, бундан буён ғаллани фақат шарбат усулида суғориш, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими уруғчилик мутахассиси Абдували Умрзоков. – Биз туманимизнинг сув ва тупроқ шароитига мос буғдой навларини танлаб, синовдан ўтказганмиз. Масалан, 8 минг гектар, яъни ғалла майдонларининг учдан икки қисмидан кўпроғига "Таня" навли буғдойнинг суперэлита, элита ва биринчи репродукцияли уруғи экилган. 1 февралдан ўғитни қўлда сепишни бошлаган эдик. Ҳозир биринчи суғоришни якунлаб, иккинчи сувни ҳам бошлаб юбордик.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида депутатлар ва доимий комиссиялар олдига қўйилган вазифалар муҳокама қилинди. Кун тартибидаги асосий масалалар – аҳолига табиий газ ва электр энергияси етказиб бериш хизматини яхшилаш ҳамда дебиторлик қарзларини камайтириш масалалари бўйича "Тошвилтрансгаз" унитар ва "Тошэлектртармоқлари" корхоналарининг ҳисоботлари тингланди.

Муҳокамалар давомида мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Комиссия йиғилиши кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Саид АСҚАРОВ.

ТАДБИР

ТАДБИРКОРЛИКДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимининг 2010 йил фаолияти якунлари ва 2011 йил вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда муассасанинг 2010 йилдаги фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва муаммолар муҳокама этилди. Шунингдек, Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталиб ўтилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, жамғарма тасарруфидаги кичик корхоналар фаолиятини янада жонлантириш лозимлиги таъкидланди. Йиғилиш якунида ташкилий масала – бўлим раёсати ва кенгаш аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

ШАРАФЛИ КАСБ ДАВОМ ЭТАДИ

Янгийўл шаҳрида Алишер Абдуллаевни танимаган одам йўқ. Шаҳар тиббиёт бирлашмасида 30 йилдан бери ишлаб келаётган олий тоифали шифокор нафақат билимли ва тажрибали, балки хушмуомала ва қўли енгил мутахассис сифатида аҳоли ҳурматини қозонган.

– Мактабни тугатгач, икки йил Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кира олмадим, – дейди шифокор ўша кунларни кулиб эслар экан. – Лекин шифокор бўлиш ниятимда қатъий турдим. Институтни битириб, шу даргоҳда ординатор сифатида иш бошладим.

Алишер Абдуллаевнинг интилишлари бекор кетмади: 1993 йилда 1-тоифа, 1995 йилда олий тоифали шифокор мақомини олди. Ҳозир шаҳар тиббиёт бирлашмаси қулоқ, томоқ, бурун касалликлари бўлимининг мудири сифатида хизмат қилиб келмоқда. Бўлимда 14 та даволаниш ўрни бўлса, шундан 10 таси давлат ҳисобидан бепул таъминланади.

– Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилган ислоҳотлар ижобий самара бермоқда, – дейди у. – Янги, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланганмиз.

От ўрнини той босар, дейишади. Касбига ҳавас билан қараган фарзандлари ҳам шифокор бўлишни ният қилишган. Катта ўғил Азиз Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 1-босқич талабаси, Раҳима Янгийўл тиббиёт коллежида ўқийди. Улар ҳам вақти келиб, оталари каби эл севган моҳир шифокор бўлиб етишсалар ажаб эмас...

Саид АСҚАРОВ.

СУРАТДА: шифокор Алишер Абдуллаев иш устида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик институтининг бошқа муассасаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди 2010 йилда ўтказган танловда Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Жамият тақдим этган "Ногиронларга кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорлик ва касаначиликни, халқ ҳунармандчилиги бўйича иш юритишни ўргатиш марказини яратиш" бўйича лойиҳа жюри ҳайъати томонидан муносиб баҳоланиб, грант олишга лойиқ кўрилди ва фонд томонидан молиялаштирилди.

Таъкидлаш керакки, жамият 2010 йил ноябрь, декабрь ойларида лойиҳани бажариш бўйича катта тайёргарлик кўрди. Марказ фаолиятида қатнашишни хоҳлаган, ўз ишларини юритмоқчи бўлган ногиронларга тарқатиш учун керакли ҳужжат, маълумотнома ва рисолалар тайёрланди.

Жамият 2011 йилда вилоятнинг ҳар бир туманида ногиронлар учун 3 кунлик семинарлар ўтказишни режалаштирган. Бу тадбир ногиронларни тадбиркорликни бошлашга тайёрлаб, уларни жамиятимизда тенглар ичида тенг ҳаёт кечиришларини таъминлаши шубҳасиз.

Абдумўмин АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими раиси.

КОЛЛЕЖДА НАВОИЙХОНЛИК

Паркент туманидаги транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежида республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда тизимда амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилиб, касб-ҳунар ва олий таълим ўртасидаги узвийликни янада мустаҳкамлаш юзасидан таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Анжуман улуғ бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий кечага уланиб кетди. Иштирокчилар Навоийнинг миллий адабиётимиз ва тилимизни ривожлантиришда тутган ўрни ҳақида фикр юритдилар.

Коллеж талабалари томонидан Алишер Навоий асарлари асосида намойиш этилган саҳна кўринишлари анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини аввало, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб бораётганида кўриш мумкин. Айниқса, қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, ободликка юз тутаётгани ислоҳотлар аввало инсон учун эканлигининг исботидир.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2010 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгилаб берган энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди.

«Қишлоққурилишбанк»:

КРЕДИТНИНГ ТУРИ КЎП

Республика Президентининг 2009 йил 30 мартдаги "Қишлоққурилишбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида фаолият юритаётган "Қишлоққурилишбанк"нинг Тошкент вилоят минтақавий филиали ўтган йил давомида устувор вазифалар ижроси юзасидан қатор ишларни амалга ошириб, ижобий натижаларга эришди.

Бугунги кунда вилоятда банкнинг 4 филиали фаолият юритаётган бўлиб, уларда 4543 дан зиёд турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари ва жисмоний шахсларга кенг кўламда банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Ҳисобот даврида банкнинг соф активлари 947,6 миллиард сўмга етиб, йил бошига нисбатан 1,5 баравар ошди. Жами кредит қўйилмалари 16,1 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан саноат соҳасига 3,8 миллиард, савдо ва умумий овқатланишга 3,1 миллиард, қурилиш ва транспортга 2,1 миллиард, имтиёзли ипотека кредитларига 26,1 миллиард ва иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга 1,6 миллиард сўм йўналтирилди. Энг муҳими, банкнинг барча манбаларидан ажратилган кредитлар ҳисобига минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Банк филиаллари ҳисобот даврида аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратган микрокредитлар 2,1 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,5 миллиард сўм ёки 4,4 фоиз кўпайди. 2010 йил 31 декабрь ҳолатига ажратилган микрокредитлар қолдиғи 24 миллиард сўм бўлиб, йил бошидагига нисбатан 5,9 фоиз ошишига эришилди. Натижада ҳисобот даврида 261 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини бошлаш ва ривожлантириш имкониятларига эга бўлди.

Бугунги кунга келиб, банк тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган 293 та хўжалик субъектларига хизмат кўрсатмоқда. Мамлакат раҳбарининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида ҳисобот даврида янги 55 та тадбиркор аёлга 532 миллион сўм кредит маблағлари ажратилиб, ўтган йилларда ушбу йўналишдаги тадбирлар давом эттирилди. Ўз навбатида, тадбиркор аёллар бошчилик қилаётган корхоналарга ажратилган кредитлар қолдиғи 16,1 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоиз ўсишига эришилди.

Юртбошимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон, фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон, фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ ҳисобот даврида банк томонидан бир қатор тадбирдар амалга оширилди. Жумладан, кам таъминланган 70 га яқин оилага чорвачиликни ривожлантириш мақсадлари учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида 200 дан ортиқ ёш оилага уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш мақсадларига 11,2 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Мамлакатимизда 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилингани қишлоқлар қиёфасининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган уй-жой, ижтимоий-коммунал объектлар ва коммуникациялар барпо этишга оид аниқ мақсадли ишларнинг бажарилишига асос бўлди.

2010 йилнинг устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президентимиз қишлоқда уй-жойлар қурилиши масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар белгилаб берилган эди. Бу борада Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини тўла таъминлаш мақсадида банк томонидан намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жойлар қурилишига имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш вазифаси юклатилган эди. Қурилиш ишлари босқичма-босқич молиялаштирилмоқда.

2010 йил дастурига киритилган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар барпо этиш учун республиканинг 15 та туманидаги 19 та массивда 42,1 миллиард сўмлик маблағлар ўзлаштирилди. 2010 йилнинг манзилли дастурига киритилган 19 та массивдаги 635 та уй-жой тўлиқ фойдаланишга топширилди. Бугун замонавий, шинам, барча қулайликларга эга уйларда яшаётган кишилар ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятлардан чексиз мамнунлар. Энг муҳими, замонавий уй-жойлар қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзига янгиликлар киритиб, уларнинг дунёқарашини янада кенгайтириши шубҳасиз.

"Қишлоққурилишбанк" қошида ташкил этилган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ аҳолисига "тайёр ҳолда топшириш" шарти билан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиш ишлари муваффақиятли ташкиллаштирилмоқда. Президентимиз ўтган йили Андижон ва Фарғона вилоятларига ташриф давомида шу вилоятларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар, уларнинг сифати, яратилган шарт-шароитлар ҳамда аҳолининг ушбу йўналишдаги тадбирларга муносабати билан мукаммал танишиб, бу борадаги ишларни янада самарали ташкил этиш юзасидан бир қатор таклифлар бериб, фикр-мулоҳазалар билдирган эди. Буларни инобатга олиб, "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти томонидан амалдаги лойиҳаларга кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Айниқса, хоналарнинг кенг, шифтларнинг баланд бўлиши, умумий ер майдони 6 сотих этиб белгиланиши, девор ва дарвозалар, автомашиналар учун алоҳида жойларнинг бўлиши каби бошқа кўплаб афзалликларнинг киритилганлиги лойиҳаларнинг янада мукаммаллашувига олиб келди.

Тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишида ишлатиладиган асосий материаллар – ғишт, том ёпиш воситалари (металлочерепица) ва эшик, ром каби ёғоч материаллар қиймати жами қурилиш материалларининг ўртача 23-25 фоизини ташкил этишини инобатга олган ҳолда, мазкур қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган ихчам замонавий қувватларни ишга туширишни ҳисобига намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларда фойдаланиладиган қурилиш материаллари нархларини мақбуллаштириш устида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, "Қишлоққурилишбанк" Оҳангарон филиали томонидан Озодлик қишлоғи ҳудудида битта ғишт заводини ишга туширишни мақсадида банк томонидан қарийб 1,2 миллиард сўм маблағ инвестиция қилинди ва пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхоналари тўлиқ ишга туширилди.

Банк филиаллари томонидан Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси (ХТА)нинг "Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси" доирасида кредитлар ажратилди. Тошкент вилояти минтақавий филиали томонидан паррандачиликни ривожлантириш учун товуқлар сақлаш ускунасини сотиб олиш мақсадида банк мижозлари "Texno Progress Parranda" МЧЖга (300 минг АҚШ доллари) ва "Progress Parranda" МЧЖга (299,72 минг АҚШ доллари) ХТА кредит линияси ҳисобидан кредитлар ажратилди.

Мазкур корхоналарга паррандачиликни ривожлантириш борасида кенг имконият яратилган бўлиб, лойиҳалар тўлиқ қувватда фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда ҳар бир корхонада кунига 35 минг дона тухум етиштирилмоқда. Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 30 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

ТОШЛОҚДАГИ МЎЪЖИЗА

Мақсадимизни эшитиб, Бекобод тумани ҳокиминнинг ўринбосари Фарҳод Мўминов бир муддат ўйланиб қолди. Кейин уяли телефонда ким биландир гаплашиб, ҳозир қаерда эканлигини сўради. "Жуда соз", деди-да, бизга юзланди:

– Аслида ғайрат-шижоатли, ташаббускор тадбиркорларимиз оз эмас. Лекин Отабек Раҳимов ўзгача. Унинг саъй-ҳаракатларини кузатиб, бугунги ишларининг кўламини кўриб, режалари ва ғояларини тинглаб, тан берасан, киши. Тиниб-тинчимас бу йигит паррандачилик фермаси ташкил этиб, ташландиқ, тошлоқ бир жойни гуллатаяпти, чинакам мўъжиза кўрсатиб, йўқ жойдан бор қилиб, бугун истеъмолчиларга тухум ва парранда гўшти етказиб бераяпти.

Бу гаплар бизни қизиқтириб қўйди. Фермада ишларнинг бориши билан танишиб, ғайратли ёш тадбиркор билан суҳбатлашишга жазм қилдик. Шу пайт хонага бир йигит кириб келди. Ўзини "Торнадо тўлқинлари" хусусий паррандачилик фермасининг соҳиби Отабек Раҳимов деб таништирди.

– Кредит масаласи нима бўлаяпти? – сўради ҳоким ўринбосари.

– Ҳал бўлиб қолди, – жавоб берди Раҳимов. – Ҳужжатларни тўла тақдим этдик.

Йўл-йўлакай тадбиркор ўз саъй-ҳаракатлари ҳақида сўзлаб борди. Дастлаб 40 миллион сўм кредит олиб, 5 минг товуқни боқишга мўлжалланган бино қуриб, янги ускуналар билан жиҳозлашибди. Кейин бир кунлик жўжалар парваришини бошлашибди.

Машина қизғиш дарвоза қаршисида тўхтади. Кенг ҳовлига киришимиз билан рўпарада паррандахоналар кўринди. Отабек Раҳимов чапдаги бино эшигини очди. Қаршимизда иккита узлуксиз товуқ боқиш конвейери кўзга ташланди. Икки ёнма-ён конвейерда 2,5 мингта товуқ сақланар экан. Ҳозирча бир паррандахонага тўртта шундай жиҳоз ўрнатиб, ишга туширилган. Фермада ветеринар Илҳом Бўриев, бройлер Акмал Исмоилов, экспедитор Ботир Жўраев ва уч паррандабоқар меҳнат қилмоқда.

– Аслида товуқларга озуқа тарқатиш, сув бериш сингари ишлар компьютер орқали бошқарилиши керак, – дейди тадбиркор. – Афсуски, электр энергияси таъминотида юз бериб турувчи узилишлар ҳозирча бу тизимдан фойдаланишга имкон бермаётир. Шу боис, парранда боқувчиларимиз лентани бот-бот тортиб, товуқларни узлуксиз овқатлантиришади.

Ҳозир кунига тўрт минг донага етказиб тухум олинаяпти. Улар шартнома асосида буюртмачиларга сотилаяпти. Натижада, уч йил муддатга олинган дастлабки кредит 15 ойда қайтарилиб, банк билан тўла ҳисоб-китоб қилинди. Бора-бора мўмайгина айланма маблағ ҳам жамғарилди. Шу ҳисобдан ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг истиқболли лойиҳалари амалга оширилмоқда. Яна иккита паррандахона қуришга киришилди. Бир йўла 11 минг товуқ боқиладиган иккинчи паррандахона биноси битказилиб, монтажчилар ускуна ва жиҳозларни ўрнатишаяпти. Бу ерда 137 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Ҳозир тадбиркор бу ишларни паррандачиликдан тушаётган маблағлар ҳисобидан бажараяпти. Февраль ойи охиригача ҳамма ишлар битказилиб, бу бинода ҳам жўжалар боқишга қўйилади.

– Учинчи паррандахонамизни қуриш бироз чўзилиб кетди, – деди О. Раҳимов деворлари ярим-ёрти битказилиб, томни ёпиш учун темир устунлар ўрнатилаётган бинони кўрсатиб. – Битказиб олсак, жўжа очириш ускуналари ўрнатамиз. Шунда жўжаларни четдан сотиб олмаймиз, ўзимиз очирамиз. Шунда бир миллион донага етказиб тухум ола бошлаймиз. Парҳез гўшти сотиш ҳам кўпаяди. Натижада айланма маблағ ҳисобидан бошқа истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун имконият кенгаяди.

Тадбиркорнинг яқин йилларда амалга оширишни мўлжаллаётган режалари ғоят кўламли.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида иккинчи паррандахонани ишга тушириб, жўжахонада ускуналарни жиҳозлашга киришгач, дастлаб ферма ҳудудидаги чуқурликда мўъжазроқ кўл барпо этиб, балиқчиликни йўлга қўймоқчи. Кейин қатор бостирмалар қуриб, гўшт чорвачилигини бошлаш ниятида. Лойиҳага кўра, дастлаб 70 новвос олиб, боқувга қўйилади.

– Анави томонда, – деди тадбиркор ўнг томонда девор билан ўралган майдонга ишора қилиб, – иссиқхона қуришни мўлжаллаб турибмиз. Натижада, иш жойларини 20 тагача кенгайтирамиз.

Дарҳақиқат, ёш тадбиркорнинг режалари катта. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили уларни амалга оширишда муҳим босқич бўлишига унинг ишончи комил. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликка кўмак ва рағбат берувчи имкониятлар, имтиёз ва преференциялар яратилаётганлиги унинг янги иқтисодий лойиҳаларига йўл очиб, паррандачилик фермаси тараққиётини яна ҳам жадаллаштираяпти.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
Еркебой БОТИРОВ (сурат)
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

ХХI аср ва ДУНЁ

Миср давлати раҳбарларининг намойишчилар бошлиқлари билан 6 январда бошланган музокаралари ҳеч қандай натижа бермади, деб ёзади The Guardian газетаси.

МУЗОКАРА БАРБОД БЎЛДИ

Ҳукумат билан музокарага киришган "Донолар кенгаши" вакили Диаа Равшаннинг баён қилишича, музокара жараёни амалда ниҳоясига етди. Унинг гапларига қараганда, вице-президент Омар Сулаймон намойишчиларнинг Хусни Муборак ўз лавозимида сайловларгача расман қолиши мумкинлиги, бироқ, амалий ҳокимиятни ўтиш ҳукуматига топшириши ҳақидаги муросасозлик таклифини қабул қилишдан бош тортди. Муросага келиш чорасини излаш ўрнига, изоҳ берди Равшан, вице-президент давлат тўнтариши ўтказиш билан қўрқитди ва вақтни атайлаб чўзди. "Амалда улар (ҳукумат) ҳеч ким билан гаплашишни исташмайди", деди у.

Мамлакатдаги таназзул ҳолатини бартараф этишнинг муайян йўлларини излаш ва сиёсий тузумни ислоҳ қилиш ҳақидаги музокара аввал бошданоқ кўплаб кузатувчилар кўзи олдида шубҳали кўринганди. Бошқача айтганда, намойишчиларнинг энг кўзга кўринган етакчилари ҳукумат билан музокара олиб боришдан қатъиян бош тортган эдилар.

Музокарада қатнашган ягона жиддий сиёсий куч ҳисобланувчи "Биродар-мусулмонлар" ислом ташкилоти етакчилари биринчи раунд тугагач, музокараларда жиддийлик йўқлигини айтишиб, жараённи тарк этдилар.

Бу орада намойишчилар ҳукуматга қарши босимни кучайтирмоқдалар. Қоҳира марказида тобора кўп одам тўпланиб, улар президентнинг зудлик билан истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар. Бундан ташқари, мамлакатда иш ташлашлар бошланиб кетди.



НИГОҲ

ЭНДИ НАВБАТ ТОЖИКИСТОН АЛЮМИНИЙ ЗАВОДИГАМИ?

Венгриядаги алюминий заводида юз берган фалокат биз учун сабоқ бўлармикин?

Ўтган йили Венгриядаги алюминий ишлаб чиқарувчи йирик заводда даҳшатли кўламда юз берган авария ва унинг оқибатларидан бугунги кунда бутун дунё хабардор. Экспертлар бу фожиага "экологик фалокат" мақомини бердилар. Айнан шу авария сабабли асосан "қизил кукун" дея аталувчи заҳарли чиқиндилар билан тўла резервуар ғови вайрон бўлган эди. Кўплаб алюминий заводларининг чиқиндилари, асосан темир, алюминий, титан ва бошқа металлар оксидларидан иборат бу соғлиқ, умуман, ҳаёт учун хавфли заҳарли моддалар очиқликка ёйилди. Яқин атрофдаги аҳоли яшайдиган жойларга жуда тез ёйилиб, бир нечта қишлоқ ва темир йўлларни босиб кетди.

Мамлакат тепасида турганлар берган шошилинч баёнотга кўра, авария оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар "узоқ йиллар давом этади ва ўн миллионлаб еврога тушади". Фақат Венгрия ҳудудининг ўзида кўплаб товон тўлашга ва фалокатдан зарар кўрган 10 минг аҳолини янги уй-жойлар билан таъминлашга тўғри келади. Бироқ, бу товон тўловлари ва янги қурилишлар Европанинг кўпгина ҳудудига етказилган зараралр олдида ҳеч гап эмас. Негаки, қитъадаги энг йирик Дунай дарёси оқиб ўтадиган катта ҳудуд авария туфайли улкан экологик ҳалокат хавфи остида қолди.

Шу муносабат билан ўринли савол туғилади: "Биз бу фожиали можародан ўзимиз учун тегишли хулоса чиқариб олдикми?"

Афсуски, ҳозирги хотиржамликка қараганда, мамлакатимиз раҳбарлари учун Венгрияда юз берган фожиали вазият сабоқ бўлмаган кўринади. Ҳолбуки, бу жуда керак ва шарт эди. Ахир бизнинг республикамизда ҳам Венгриядаги каби завод бор-ку! Тожикистон алюминий заводи – ТАЛКО ҳам техноген ҳалокат ўчоғига айланишини ҳар лаҳза кутиш мумкин бўлган объектлардан. Бу улкан корхонада кўплаб хавфсизлик меъёрларига оид чора-тадбирлар писанд қилинмаяпти.

Таъкидлаш жоизки, Венгрия алюминий корхонасида ўрнатилган техника ва технологиялар бизнинг ТАЛКОдагига нисбатан анча замонавий эди. Бироқ, шунга қарамай, техноген ҳалокатнинг олдини олишни уддалаб бўлмади. Энди авария оқибатлари ҳам аранг бартараф этиляпти. Ҳолбуки, бу ишга ҳам Венгрия, ҳам бутун Европа Иттифоқи томонидан катта куч ва молиявий воситалар ажратиляпти. Бу саъй-ҳаракатларга қарамай, экологияга етказилган зарар бутун қитъа қўламида кенг ёйилди. Бу омилларнинг ҳаммасини ҳисобга олсак, агар шундай фалокат бизнинг мамлакатда рўй берадиган бўлса, оқибати қандай кечишини, ҳатто, ўйлаб кўришнинг ўзи даҳшат.

Афтидан, мамлакатимиз раҳбарларини бундай "майда-чуйдалар" мутлақо чўчитмаяпти. Уларнинг бутун фикри-дарди молиявий фойда кўришда. Бирор мансабдорнинг ТАЛКОда ҳам техноген ҳалокат юз бериши эҳтимоли Венгриядаги турдош заводдагидан ҳам анча юқори эканлиги ҳақида, умуман, ўйлаб ҳам кўрмагани шубҳасиз. Бунга кўплаб далиллар келтириш мумкин. Хусусан, корхона лозим даражада молиялаштирилмайди, асбоб-ускуналар эскириб кетган, кадрлар малакаси ниҳоятда паст. Шунингдек, корхонада ва жумладан, ишлаб чиқариш чиқиндилари сақланадиган омборхонада ҳам экология меъёрлари ва хавфсизлик андозаларига мутлақо риоя қилинмайди.

Яна бир гап. ТАЛКО Венгриядаги турдош корхонадан фарқли ўлароқ юқори сейсмик фаоллик минтақасида жойлашганки, бу ерда юз берадиган кучли зилзилаларни европаликлар, ҳатто, тасаввур ҳам қилишолмайди.

Мана шу эътиборсизлик ва ўзибўларчиликлар охир-оқибат Турсунзода шаҳридаги алюминий заводини аста-секин вайрон қиладиган, бошқача айтганда куни келиб портлайдиган бомбага айлантираяпти. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Венгрияда юз берган фожиа Тожикистонда содир бўлмаслигига ҳеч ким ҳозир қатъий кафолат беролмайди. Ҳолбуки, агар шу фалокат рўй бергудек бўлса, унинг нафақат Тожикистон, балки қўшни мамлакатлар халқлари бошига соладиган фожиалар ҳақида ўйлашнинг ўзи катта даҳшат. Негаки, авария (Худо кўрсатмасин!) оқибатларини бартараф этиш учун Тожикистонда на керакли техника, на мутахассислар ва энг ёмони – на маблағ бор.

Қиссадан лўнда ҳисса шуки, мамлакат вилоятларига ёйилаётган заҳарли ҳеч ким ва ҳеч нарса билан тўхтатиб бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, мамлакат амалдорлари учун нафақат экологик ҳолат, балки бутун халқ ва умуман Ватан тақдири бир пул бўлиб қолган ҳозирги вазиятда Тожикистоннинг оддий фуқаролари учун фақат Яратганга илтижо қилиш ва нажот исташдан ўзга чора йўқ.

Манучеҳр РАҲИМЗОДА.
Центр Азия – www.centrasia.ru.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Сирғали тумани СИБ томонидан 17.12.2010 йилдаги 1-8403/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани жиноят ишлари бўйича суди ҳовлисида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 01 V 450 FA бўлган "Нексия Донс" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 13 400 000 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 17.07.2009 йилдаги 10-0909/8756-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, "Версал" тўйхонаси ҳовлисида сақланаётган, 2000 йилда и/ч., дав. бел. 30 T 8003 бўлган "Ниссан Максима" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 22 270 658 сўм.

Аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан 16.08.2010 йилдаги 11-1013/9230-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Эркинлик қ.ф.й.да жойлашган, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган "ПДСУ-30" воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 165 600 000 сўм.

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани МЧЖ "Шаркли Мелиса" жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 21.06.2010 йилдаги № 1-133/10-сон ижро варақасига асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 A 438 BA бўлган "Нексия Д-2" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 16 587 300 сўм. 2. 21.06.2010 йилдаги № 1-133/10-сон ижро варақасига асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 20 D 255 AA бўлган "Нексия Д-2" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 16 331 585 сўм. 3. 21.06.2010 йилдаги № 1-133/10-сон ижро варақасига асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 M 447 CA бўлган "Нексия Д-2" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 420 887 сўм. 4. 21.06.2010 йилдаги № 1-133/10-сон ижро варақасига асосан, 2005 йилда и/ч., дав.бел. 30 O 09-89 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 902 255 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 17 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 7 апрель куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 3 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига: Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Матлубот савдо" МЧЖ корхонаси омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 24.05.2010 йилдаги № 1-133/2010-сон ижро варақасига асосан, и/ч йили номаълум, дав.бел. 11 J 6651 бўлган "BMW" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 671 923 сўм. 2. 20.01.2010 йилдаги № 5-54/2010-сон ижро варақасига асосан, 1972 йилда и/ч., дав. бел. 11 Z 0137 бўлган "Газ-24" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 847 142 сўм. 3. 26.05.2009 йилдаги № 1-173/09-сон ижро варақасига асосан, 1980 йилда и/ч., дав.бел. 10 V 2433 бўлган "ГБАСПГЗИЛ-131" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 205 219 сўм. 4.20.08.2009 йилдаги № 1-327/09-сон ижро варақасига асосан, 1984 йилда и/ч., дав.бел. 30 V 9298 бўлган "Уаз-452" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 993 639 сўм. 5. 12.02.2008 йилдаги № 2/08-сон ижро варақасига асосан, 1990 йилда и/ч., дав.бел. X 920 OSM бўлган "БМВ" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 590 414 сўм. 6. 12.02.2008 йилдаги № 2/08-сон ижро варақасига асосан, 1985 йилда и/ч., дав. бел. 11 У 9675 бўлган "Москвич АЗЛК" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 207 230 сўм. 7. 14.01.2010 йилдаги № 5-28/2010-сон ижро варақасига асосан, и/ч йили номаълум, дав.бел. 30 A 6952 бўлган "Газ-24" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 847 142 сўм. 8. 14.08.2009 йилдаги №2509-сон ижро варақ. асосан, 1992 йилда и/ч., дав.бел. 11 N 0389 бўлган "Иж-21251" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 594 634 сўм. 9. 26.05.2010 йилдаги №1-173/09-сон ижро варақ. асосан, и/ч. йили номаълум, дав.белгисиз "Зил-131" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 509 808 сўм.

Аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 18.03.2010 йилдаги №201-сон ижро варақ. асосан, 2002 йилда и/ч., дав.бел. X165PWM бўлган "ВАЗ-21102" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 375 729 сўм. 2. 15.01.2009 йилдаги №39-сон ижро варақ. асосан, 1995 йилда и/ч., дав.бел. X396ZNM бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 797 402 сўм. 3. 24.08.2009 йилдаги № 681-сон ижро варақасига асосан, 1982 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. Н 158 КМ36 бўлган "Opel Kadet" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 103 300 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 19.09.2009 йилдаги № 14487/5-сон ижро варақасига асосан, 1977 йилда и/ч., дав.бел. 11 W 11-64 бўлган "Ваз-2103" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 1 765 219 сўм.

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 08.04.2010 йилдаги № 11380/8-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХБга қарашли 2-сонли жарима майдончасида сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. К 291 АВ 73 бўлган "Ваз-2107" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 2 287 134 сўм.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 03.10.2008 йилдаги № 1-465-08-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гавҳар кўчаси, 151-уйда сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел.М 69-09 бўлган "SUZUKI FORENZA" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 15 618 469 сўм.

Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23-А уйда жойлашган, жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қуйилмоқда: 1. 02.06.2010 йилдаги № 10-1009/3490-сон ижро ҳужжат. асосан, 2007 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 461 бўлган "Газ-3302-14" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 000 000 сўм. 3. 02.06.2010 йилдаги № 10-1009/3490-сон ижро ҳужжат. асосан, 2007 йилда и/ч., дав.бел. 10 BF 624 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 000 000 сўм.

Бектемир тумани СИБ томонидан 02.06.2010 йилдаги 10-1016/9323-сон ижро ҳужжатига асосан, майдони 570,7 кв.м. бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Туркистон Қ.Ф.Й, Алимота кўчаси, 43-уйда жойлашган бино қўйилмоқда: бош. нархи – 100 000 000 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 10.06.2010 й., №11-1026/4192 ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22-уй манзилида жойлашган, 14 та хонадан иборат, майдони 312,2 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 261,5 кв.м.ни ташкил қилган, 0010 литердаги ошхона биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 37 500 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 12.01.2011 й., №11-1025/21222 ижро варақасига асосан хатланган, "Чиноз туман МТП" ОАЖга тегишли корхона ҳовлисида сақланаётган "КЕЙС-2366" русумли, д/р 06-33 ЕД бўлган, 2002 йилда и/ч комбайн қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 134 000 000 сўм.

3. Аукцион савдосига Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 18.10.2010 й., №5-409 ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Х. Мақсудов кўчаси, 3-уйда сақланаётган, "Mercedes Benz-280" русумли, д/р 11F2287 бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 11 780 428 сўм.

4. Аукцион савдосига Янгийўл шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 19.12.2010 й., №2-206/2010 ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл тумани МХХ биносида сақланаётган, "Toyota Land Cruiser" русумли, д/р 10 771AAA бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 49 452 788 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 15 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза лари қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-лаги қўйидаги ҳисоб рақамита тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 № 000004.

Частное предприятие "GOLDEN TRADE" (ИНН 484662831), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента, реестр. № 000559-10 от 29.07.2004 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Амира Темура, д. 40 (на территории Алайского рынка) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (по приказу директора № 2 от 07.02.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления.

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "EX IM BROK TASHKENT" шўъба корхонасига тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2011 йил 8 январдаги № 3-сонида чоп этилган Тошкент шаҳар 1-сонли юридик коллежи томонидан 2006 йилда Бекназарова Дурдона Абдукаримовна номига берилган (рўйхат рақами 20) № 542744 сонли диплом топилганлиги сабабли эълон
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "ANTRORAPIRA" (ИНН 205790884), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Мирзо Улугбекского района г. Ташкента (реестр. № 001376-04 от 22.08.2005 г.) по адресу: ул. Кори Ниёзий, д. 90 **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ учредителя № 1 от 02.01.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования данного объявления.

Сергели туманидаги 268-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Каххорова Муқаддас Холматовна номига 1994 йилда 11-синфни тугатганлиги тўғрисида берилган таянч маълумот тўғрисидаги № 435606 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный диплом Б-I № 838568, выданный 19.07.1977 г. (рег. № 755) Ташкентским автодорожным институтом на имя Гафурова Махмуджона,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Эсанбаева Дилдора Уитамовнага тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный угловой штамп ООО "FOROS-INTERSERVIS" Яккасарайского района г. Ташкента,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

В связи с утерей кадастровых документов на землю за № 1004010205006, выданный на ДП "MED GLASS" по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. Тол-Арик 1/2,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Собир Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 29.07.2008 йилда № 002696-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "XASTIMOM-OBOD" (ИНН 300898916) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи томонидан 2009 йилда Хайитов Холбой Эшанқулович номига берилган К № 1494311 рақамли диплом (рўйхат рақами 130936) йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧФ "BANADJI" (ИНН 204720228), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Мирзо Улугбекского района г. Ташкента (реестр. № 000081-04 от 17.11.2003 г.) по адресу: ул. Олмачи, д. 25 **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ учредителя № 1 от 01.07.2010 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования данного объявления.

ЧП "TRI A IMPEX" С. Рахимовского района г. Ташкента преобразуется в ООО "TRI A IMPEX", которое будет являться правопреемником по всем правам и объязанностям. Тел.: (+99897) 773-75-89.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 44-уй, 30-хонадонга тегишли Каримов Фарҳод Алиевич номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянную трудовую лицензию за № 040780, выданную Ташки мехнат миграцияси масалалари агентлиги, срок действия 05.01.2010 г. по 05.01.2011 г., на имя исполнительного директора СП ООО "TOSH-ROSS-TEXTIL" Верезуб С. В. гражданина Российкой Федерации,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "BEK METALL STIL" (ИНН 301566694), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства Юнусабадского района г. Ташкента (в соответствии с протоколом собрания учредителей от 10.02.2011 г.) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течение месяца со дня опубликования данного объявления по пдресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, 5-12-101 или по тел.: 706-07-90.

Утерянный угловой штамп ООО "UZUM-MEVA-SABZAVOT IMPEKS" Джиззакской области Галлааральского района,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ДЎСТЛАР СУҲБАТИГА МУШТОҚ ШОИР

Бобур ёш бўлса-да, ўзидан катталарга бош эди. Неча карра Самарқанд тахтини эгаллади, уни қайта қўлдан берди. Алал-оқибат Афғон сари юриш қилди. Кобулни осонлик билан забт этди. Сўнгра Инд дарёсини кечиб ўтиб, Ҳиндистон тупроғига қадам қўйди. Ёш лашкарбошининг қўшини кам сонли эди. Аммо у пухта ҳарбий тайёргарлик кўрган, интизомли ва яхши қуролланган эди. Бобур адабиёт, санъат шайдоси бўлган. Ўзи ҳам зарқалам соҳибларидан саналарди. Бобур битган дарднок ғазаллар, рубоийлар, ишқ-муҳаббатни тараннум этувчи шеърлар ўз замонасида ҳам эл аро манзур эди. У гулпараст эди, боғу бўстон яратишга ишқибоз эди. Ҳиндистоннинг жон олғувчи жазирама иссиғида бот-бот туққан юртини эсга олар, ички дард ила соғинарди. "Фарғона гулларининг қиёси йўқдир, – деб ёзади у хотираларида, – ул заминда турфа лолазорлар, мушки анбар сочғувчи гуллар бисёрдир".

Бобур тахтга ўтирганида ҳали мўйлаби сабза урмаган ўсмир эди. У ёзади: "Тангри таолонинг ҳидояти билан ва Саввари коинотнинг шафоати билан Фарғона вилоятида ўн икки ёшимда подшоҳ бўлдим".

Бунинг устига Бобур ихтиёрида Оврупода энди русум бўлаётган замбараклар ҳам бор эди. Ана шу омиллар туфайли у муваққат Афғон ҳукмдори Султон Иброҳим устидан ғалаба қилди ва Ҳиндистонни қўлга киритди.

Бобур Ҳиндистонда тўрт йилгина бўлди. Бу йиллар ичида у ором нималигини билмади. Умри жангу жадал билан, музокараю муроса билан изтиробда ўтди. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи дилўртар бир шеърида куюниб ёзади:

Толеи йўқи жонимга
балолиг бўлди,
Не ишники қилдим,
хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд
сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз
қаролиг бўлди.

Бобур Ҳиндистон ҳақида эсдаликлар битди. Бу эсдаликлар ўқувчининг завқини келтиради. Шу билан бирга бу шахснинг руҳий оламига разм солиш имконини беради. Бобур ҳинд эли борасида, бу ўлканинг тоғлари, дарёлари, наботот ва ҳайвонот дунёси хусусида батафсил тўхталади. Янги забт этилган мамлакатнинг турфа хил ажойиботлари, табиати, бойликлари тўғрисида холис маълумотлар беради-ю, ўз элида бор бўлган ашёларнинг йўқлигидан ажабланади: "Ҳиндустон кам латофат ер воқе бўлубдур. Узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ. Ях йўқ ва совуқ сув йўқ. Бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ. Ҳаммом йўқ, шам йўқ". ("Бобурнома"-дан).

Шу билан бирга, Бобурни Ҳиндистоннинг ёлғиз ўзига хос табиати маҳлиё этади. "Ҳинд ўлкаси қиёси йўқ бир мамлакатдир, – деб ёзади у, – унинг пурвиқор тоғлари, учи-кети йўқ дарёлари, ҳадсиз чўллари, сонсаноқсиз ўрмонлари, ўсимликлари, либоси ўзгача, тили ва ранги-рўйи бўлакча одамлари, уларнинг урф-одатлари кишини ҳайратга солади. Ҳатто, бу ўлканинг шамолларию ёмғиригача бизнинг Ватандан фарқланади".

Дастлаб йўл битиклари деб аталмиш бу китоб кейинчалик "Бобурнома" номи билан дунёга донг таратди. Тарихдан мингминг йиллар ўтиб, Ҳиндистон тўғрисида бундоқ одилона ва самимий таърифни ҳеч ким битмаган эди.

Бобур иродаси метин, қатъиятли шахс эди. У саркарда бўлиб, қўлига қилич олганда шерюрак паҳлавонга айланар, хавфу хатарни писанд қилмас, рақибини мағлуб этиб, ниятига етмагунча, жони тинчимасди. Валекин, у қилични қўйиб, қалам ушлаганда мутлақо ўзгача кимса қиёфасига кирарди. Шоир Бобур гўзалликка ошуфта, ёр васлига интизор, дўстлар суҳбатига муштоқ кўнгли юмшоқ, кўнгли яримта, дил туғёнларини жиловлашга ожиз эҳтиросли зот эди.

Бобур қисқа умр кўрди. У қирқ етти ёшга чиққанда тўнғич ўғли Ҳумоюн оғир дардга чалинади. Бобур алаҳлаб, тўлғаниб ётган суюкли ўғлининг тепасида кўзёш тўкиб, Яратганга ёлборади: "Эй Парвардигори олам! Дилбандимнинг дардига шифо бер! Ўзинг жаббор, ўзинг раҳмон, ўзинг мағфират соҳибисан. Майли, менинг жонимни ол, мен розиман, вале фарзандимни жувонмарг этма! Ўтинаман, эй халлоқи олам!".

Юраги садпора бўлган отанинг муножоти Оллога етади. Ҳумоюн оёққа туриб кетади. Бир неча кундан кейин Бобур оламдан кўз юмади.

Саъдулла СИЁЕВ таржимаси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

КЎРГАЗМА

РЕНЕССАНС ДАВРИНИНГ БУЮК СИЙМОЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, китоб графикаси санъатида ижод қилиб келаётган истеъдодли рассом Темур Саъдуллаевнинг асарлари кўргазмаси очилди.

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида ишлаётган Темур Саъдуллаев, кейинги ижодий фаолиятида Навоий сиймоси ва унинг асарлари билан боғлиқ йўналишда ҳам ижод қилиб, салмоқли натижаларга эришди.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари халқимиз томонидан кенг нишонланаётган айни вақтда ташкил этилган кўргазма залларида рассомнинг Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймолари ва уларнинг маънавий меросларида акс этган умуминсоний қадриятлар ўз аксини топган 30 га яқин асарлари ва 20 дан ортиқ расмлари, безакли китоблари ўрин олган. Расмли ва безакли китоблар орасида А. Навоийнинг икки томлик (рус тилида) танланган асарлари, "Фарҳод ва Ширин" достони (рус тилида) ва Бобурнинг рус тилида нашр қилинган икки томлик асарлари бор.

Рассомнинг А. Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг "Ҳамса" зали деворларидаги бешта рангтасвир паннолар композицияси, Темурийлар тарихи Давлат музейидаги "Навоий куй тинглаб" асари ҳамон томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Миллий маънавиятимиз, тарихий маданиятимизни қадрлаш, аждодларимиз меросини ўрганиш ва ёш авлод қалбига сингдириш мақсадида Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати республика ва вилоят кенгашлари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, республика ва вилоят маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида Чирчиқдаги зобитлар уйида "Ҳар тенгдошга бир ғазал" деб номланган Навоийхонлик кечаси ўтказилди.

«ҲАР ТЕНГДОШГА БИР ҒАЗАЛ»

Кечада навоийшунос олимлар, ғазалнафис шоирлар, Чирчиқ ва Қибрай тумани таълим муассасалари талабалари, "Камолот" фаоллари, "Камалак" сардорлари ва санъаткорлар иштирок этишди.

Тадбир "Занжирбанд шер" саҳна кўриниши билан очилди. Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий коллежи ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси санъаткорларининг чиқишлари барчанинг эътиборини тортди.

Тадбир сўнгида навоийхонлик тадбирларида фаол иштирок этган ёшлар фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

Шотурғун АЛИЕВ.

ВАДИМ АБРАМОВ:

МАҚСАД – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛИГА ЧИҚИШ

Ўзбекистон Футбол федерациясида мамлакат миллий терма жамоаси бош мураббийи Вадим Абрамов билан ОАВ ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Учрашувда футболчилар Одил Аҳмедов, Азиз Ҳайдаров ва Темур Кападзе ҳам иштирок этишди.

Яқинда ниҳоясига етган "Осиё кубоги – 2011" ўйинлари якуни бўйича юзага келган саволлару муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳаммани бирдек қизиқтириши табиий эди. Шу боис, матбуот анжумани савол-жавоблар билан бошланди.

– Сиз қисқа вақт ичида терма жамоа таркиби ва ўйин услубини анча ўзгартириб юбордингиз. Тайёргарлик жараёнида терма жамоа олдига қўйилган мақсад ва вазифалар Осиё кубоги ўйинларида қай даражада амалга ошди?

– Биласизми, бу саволга узоқ жавоб бериш керак. Шундай бўлса-да, унга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламан. Жамоани қабул қилиб олган кунларимданоқ, илк йиғинларга асосий таркибга доим таклиф этиб келинган футболчиларни киритмадим. Чунки, уларнинг имкониятларини яхши биламан ва ортиқча безовта қилмаган ҳолда, бошқаларнинг имкониятларини синаб кўришга қарор қилдим. Бошқача айтганда, янги кашфиётларга интилдик. Салоҳияти футболчилар ва иқтидорли ёшлар ўзларини кўрсатишди ва синовдан ўтишди.

– Олим Новкаров, Максим Шацких, Улуғбек БаҚоев ва Виктор Карпенколарнинг терма жамоа билан боғлиқ келажакдаги тақдири қандай кечади? Ахир бу футболчиларнинг ёши ҳам ўтиб бормоқда. Умуман, уларнинг Осиё кубогидаги иштироки ҳақида нима дея оласиз? Мисол учун Новкаров мусобақада яхши ўйин кўрсата олмади. Бундай фикрни Шацкихга нисбатан ҳам айтишимиз мумкин...

– Новкаров масаласига келсак, футболчилар ҳам билишади, у Осиё кубогига бутун тайёргарлик жараёнларида, синов-назорат ўйинларида ўзини ҳар томонлама намоён эта олди. Терма жамоага яхшигина фойдаси тегди. Афсуски, муҳим паллада унга халқаро тажриба етишмади. Шацких тўғрисидаги фикрларга қўшилмайман. Максим ҳар бир учрашувда бор кучини беришга уринди. Фақат турнир мавсумлар оралиғига тўғри келганлиги ўз таъсирини кўрсатди. У тўлиқ дам ололмади. Мен Шацкихнинг ҳали терма жамоага фойда келтиришига ишонаман.

Қолган футболчилар ҳақидаги саволингизга қуйидагича жавоб беришим мумкин: футболчиларнинг ёши мен учун муҳим аҳамият касб этмайди. Ёши 40 да бўлса ҳам фойда келтирса, унинг учун терма жамоа эшиклари очиқ. Фақатгина ёш туфайли футболчининг хизматидан воз кечиш, бу менинг услубим эмас.

Яна бир ғап: баъзида клубда яхши ўйин кўрсатган футболчи терма жамоада ҳадеганда очилиб кета олмайди. Бунинг сабаби оддий: клуб билан терма жамоа ўртасида катта фарқ бор. Терма жамоада футболчига биринчи галда халқаро тажриба зарур. Бизнинг аксарият клубларимиздаги футболчиларга айнан шу нарса етишмайди.

– Шерзод Каримов, Виталий Денисов, Баҳодир Насимов, Ислом Тўхтахўжаев каби футболчиларнинг терма жамоадаги фаолияти ҳақида нима дея оласиз? Негадир уларнинг хизматидан фойдаланмадингиз?

– Гарчи улар Қатарга бормаган бўлишсада, бу уларнинг термадаги фаолияти тугади, дегани эмас. Терма жамоанинг эшиклари барча учун очиқ. Кейинги ўртоқлик учрашувларига "Осиё кубоги – 2011" рўйхатига кирмаган футболчиларни ҳам таклиф этамиз.

– Бундан кейин ҳам терма жамоада кутилмаган ислоҳотлар ўтказиш ва янгиликлар қилишда давом этасизми? Масалан, тайёргарлик босқичидаги учрашувларда бошқа, расмий мусобақаларда эса яна бир бошқа таркибни майдонга туширасизми?

– Бу гапингизга қўшилмаган бўлардим. Хорижда ўйнаётган легионерларни нима учун кўп безовта қилмайман? Чунки, битта ўйинда қатнашиш учун футболчи бир неча соат давомида самолётда учиши зарур. Бу вақтда эса унинг клубида ҳам эътирозлар юзага келади ва мураббийлар футболчини кутиб ўтиришмай, ўрнига бошқа футболчини майдонга туширишади. Ортга қайтгач, у ўз-ўзидан захирага "михланади". Терма жамоанинг муҳим ўйинлари яқинлашганда эса, жисмоний ва руҳий ҳолати талабга жавоб бермайди. Бу ҳолат футболчига ҳам, терма жамоага ҳам фойда келтирмайди. Назаримда, футболчиларни қайси ўйинга чақириш, қайси ўйинларда безовта қилмасликни билиш керак, холос.

– Агар Австралия билан яна қайта майдонда рўбарў келинса, ўйин услубида қандай ўзгаришлар қилган бўлар эдингиз?

– Нимани ўзгартиришни билмадим-у, аммо сизларга ваъда бериб айтаман, Австралия билан бўлажак ҳар қандай нуфуздаги учрашувда, албатта, ғалаба қозонамиз.

– Қатарда футболчиларимизга бошқа хорижий жамоалардан кўплаб харидорлар чиқди. Мутахассис сифатида сизга ҳам таклифлар бўлдими? Мураббийлик соҳасида қайси жамоаларда ишлашни ва қандай натижаларга эришишни истайсиз?

– Таклиф бўлди. Аммо, менинг ҳозирги кундаги бирдан-бир орзуим – терма жамоани навбатдаги жаҳон чемпионати финал босқичига олиб чиқиш. Мураббийлик тақдири қийин. Қатор муваффақиятларга эришишингиз мумкин, аммо биргина ўйин туфайли барча қилган ишларингиз йўққа чиқиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ҲИММАТИнинг ЧЕКИ ЙЎҚ МАЛИКА

Қонунлар нима учун яратилади?.. Тўғри, уларга риоя этиш, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш учун. Афсуски, Ангрен шаҳар болалар шифохонасининг собиқ бош шифокори Наргиза Эркаева (исм-шарифлар ўзгартирилган) қонун-қоидалар уларни бузиш, четлаб ўтиш учун яратилган, деб ўйлагани ошкор бўлди. Масъул мансабдор шахс бўлган Наргизахоним ўзига берилган амал ваколатларининг дахлсиз эканига ўзи ҳам ишониб қолди.

Мансабнинг тупроғи оғирроқ келади ўзи. У айримларнинг бурнини кўтарса, айримларнинг хаёлини олиб қўяр экан. Лавозим ҳавосига бироз ўрганган, хаёли бузилган Наргизахонимнинг кўзига шифохона бир кошона, хос хонаси эса чоғроқ бир сарой бўлиб кўрина бошлади. Шундай мулкнинг эгаси эса, эртакда айтилганидек, малика бўлмай ким бўлсин?!

Энг аввало, "маликамиз" 2009 йил шифохона харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузишда Адлия вазирлиги 2000 йил 3 февралда рўйхатга олган 888-йўриқнома талабларига ҳамда Ангрен шаҳар Молия бўлими томонидан Адлия вазирлигида 1999 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилган 849-йўриқнома талабларига риоя этишдан ор қилди. Қўли очиқ малика сифатида "сарой аъёнлари рўйхати", йўғ-э, шифохона штатлар жадвалини мавжуд харажатлар сметасига нисбатан ортиқчароқ тузиб, ҳатто, молия бўлимида рўйхатдан ўтказишнинг ҳам уддасидан чиқди. "Оловурийлар, кетса давлатдан кетибди-да, мени чўнтагимдан кетибдими" деб қўйди ўзича. Ишбилармон маликанинг бу сахийлиги бир йиллик базавий иш ҳақи фондининг "резинкадек чўзилиши" ҳисобига давлатга 49 миллион (!) 520 минг 900 сўмга тушди, "холос".

Бу иши жазосиз қолган маликамиз янада дадиллашиб, ўзини хоҳлаган ишини қила олувчи, ҳокимияти чекланмаган ростмана маликадек тута бошлади. Шифохонада 35 тиббиёт ходимининг тегишли тоифалари муддати ўтган бўлсада, 2008 йил 1 ноябрда ва 2009 йил 1 мартда фармонлар, йўғ-э, буйруқлар чиқариб, ўз "ҳиммати" билан уларнинг тоифа муддатини узайтириб қўйди. Маликанинг навбатдаги сахийликлари давлатга умумий ҳисобда 11 миллион 508 минг 300 сўмга тушди.

"Ишлаган – тишлайди" деган эди бир эски кинокомедия қаҳрамони. "Аъён ва фуқароларига" гўё ҳиммат қилган маликамиз ўзига ҳам илтифот қилишларини истаб қолди. Аммо илтифот ўлгур ўз ихтиёри билан чиқавермагач, суғуриб олишга қарор қилди. Наргизахоним "сарой хазинабони" – шифохона ғазначиси Роҳила Ғоибова билан тил бириктириб, мавжуд қонун-қоидаларни тепкилаб, 2008 йил июль, август ва сентябрь ойларида шифокор ходимлардан 25 минг сўмдан, қолган даврларда 15 минг сўмдан йиғиб, хуллас 2008 йил июль ойидан 2010 йил июнь ойига қадар банкдан уларнинг иш ҳақлари учун олинган ва кассага кирим қилинган накд пуллардан жами 22 миллион (!) 692 минг сўмни ходимларга тарқатмасдан ушлаб қолиб, ўзгалар мулкини талон-торож қилди. Бундан ташқари, ўзёки шифохонани таъмирлаш учун 26 ходимнинг мукофот пулларини – жами 1 миллион 444 минг 400 сўмни эгаларига бермасдан чўнтакка урди.

"Нафсибад тикувчи ҳам бўйидан, ҳам энидан уради", деган нақл тўғри экан. Маликамиз нафақат ўз "аъёнлари", балки нажот истаб келган беморлар пулига ҳам кўз олайтирди. Кейинчалик, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Асила Қодировнинг айтишича, шифохонада пуллик хизмат кўрсатиш учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг даволаш-профилактика муассасаларига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гуруҳнинг 2006 йил 1 июндаги қарори билан N: 222-Q/R рақамли махсус рухсатнома берилган. Унда фақат маълум тиббий хизматларгина пуллик, қолганлари эса бепул экани белгиланган. Лекин юксакликнинг чеки бўлмаганидек, тубанликнинг ҳам туби бўлмас экан. Маликамизнинг "махсус рухсати" ушбу махсус рухсатнома ва Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни талабларини ҳам шифохона ҳудудида бекор қилди. Аслида текин бўлган тиббий хизматларга ҳам нарх белгиланиб, асоссиз пул талаб қилиш бошланди.

Маликанинг хоҳиш-иродаси билан қонунга зид равишда пуллик хизматлар прейскуранти "мана мени кўр, қонун зўрми ёки мен зўр" деб истеҳзо қилгандек, шифохона йўлагига осиб қўйилди. Натижада 2007 йилдан 2010 йил май ойига қадар шифохонада катталар ва болаларга кўрсатилган тиббий хизматлар учун асоссиз 49 миллион 577 минг сўм накд пул кирим қилинди.

Ҳатто бемор болаларнинг ҳам ҳақидан ҳазар қилмаган маликамиз қалбида энди тошдан ҳам, кесакдан ҳам пул ундириш мумкин, деган бир қатъий ишонч пайдо бўлди. Шифохонани капитал таъмирлаш баҳонасида 2008 йил 25 октябрда тузилган 30 миллион сўмлик шартноманинг харажатлар сметасига асоссиз 8 миллион сўмлик бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилиб, осонгина ўзлаштирилди...

Дилни хуфтон қиладиган бундай мисолларни бирма-бир санаб, сизни хуноб қилмайликда, асосий бир жиҳатга эътиборингизни қаратсак. Малика ўз "аъён"ларининг билимларини ошириш мақсадида, 2010 йил 5 апрелдан бошлаб болалар шифохонасида ўрта тиббий ходимларнинг малакасини ошириш сайёр циклини ташкил этди. Лекин циклнинг лаборатория бўлимидаги 13 тингловчидан давлат бюджети учун ундириладиган 50 минг сўмлик қонуний тўлов ўрнига улардан 100 минг сўмдан йиғиб олди. "Имтиҳонди имтиёзли ўтиш ва гувоҳнома олиш учун бу", дея қилмишини изоҳлади малика.

Лекин фуқароларнинг, йўғ-э, ходимларнинг ҳаммаси ҳам бу ўлпонга рози бўлишмади. Айримлар "исён" кўтаришди. Пичоқ суякка қадалганидан норози бўлган курс тингловчиларидан бири Карима Зиёдова МХХ вилоят бошқармасига арз қилишга мажбур бўлди. "Малика"и Наргизахонимнинг вакили тингловчилар учун олиб келинган 200 минг сўм пулни олаётган пайтда қўлга олинди. Айблари судда тўлиқ исбот қилинган бош шифокор лавозимидан четлатилди. Суд уни 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Мансаб ҳавоси хаёлини олган "малика" бу ҳолни тахтдан кетиш деб тушунган бўлса эҳтимол...

"Малика"нинг хаёлида у ҳозир узоқ бир оролда сургунда. Бу ерда ҳам унча ёмон эмас-у, фақат аъёнларининг ҳамду саноларини ҳали ҳам тушларига кириб чиқади: "Ҳимматингизнинг чеки йўқ, маликам!"

Карим МАТНАЗАРОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 15953. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1234.